

Мутафаккирлар Фаолиятида Либерализм Ғоясининг Аҳамияти

Шодмонқулова Муборак Маҳаматқуловна¹

Либерал ғояларни ўзига хос тарзда ифода мутафаккир Роттердамлик Эразмдир. У Яратган барча инсонларни тенг қилиб яратган, уларнинг фазилатлари зодагонлар ёки подшолар авлодига мансублиги билан эмас, тарбияси, маънавияти ва билим даражаси билан белгиланади, деб ҳисоблайди. Унинг фикрича, ўз эҳтирос ва майлларини бўйсундира олган, ўзлигини руҳиятини, жисмини теран англаган инсонгина юксак фазилат соҳибидир. Фақат ана шундай инсонга ҳақиқат, нажот йўли очилади, эзгу амалларга имкон туғилади. Эразмнинг фикрича, инсоннинг бунга эришишига уч иллат тўсқинлик қилади: онгни заифлаштирувчи илмсизлик; жисмоний майл ва эҳтирослар; инсон табиатининг заифлиги. Шунинг учун инсон фаолиятининг мазмун-моҳияти ана шу уч иллатдан босқичма-босқич халос бўлишга қаратилмоғи, даставвал у ҳақиқат сари интилиб, илмсизликка барҳам бериши, сўнгра майл ва эҳтиросларини бўйсундириши ва ниҳоят заифликдан халос бўлиши лозим. Ана шу босқичларни босиб ўтган инсонгина руҳий ва иродавий эркинликка эришиши мумкин².

Либерализм ғояларини ҳаёлий социализм ғоялари асосида ёрқин ифода этган яна бир мутафаккир Томас Мор ҳисобланади. Унинг фикрича инсон эркинлиги олтинлар билан таққослаб бўлмайдиган олий қадриятдир. Либерализм ғояларини бу даврдаги асосий характерли хусусияти шундан иборатки, бу даврда Европанинг кўпгина илҳор мамлакатларининг ижтимоий-сиёсий ҳаётида катта ўзгаришлар рўй берди, ишлаб чиқариш, ижтимоий кучлар ўзаро муносабатида янгича вазият юзага келди.

Либерализм ғоялари ижтимоий ҳаётдаги иқтисодий фаоллик, жамиятнинг реал амалий эҳтиёжлари воқеий оламини, табиатни янгича мушоҳада этишга, қадимги юнон маънавий меросини ўзига талқин этишга унга танқидий ёндошишга, тадқиқотлар мавзуси ва йўналишини кескин равишда экспериментлар, кузатувлар томонига буриб юборишга, эски схолостик, мавҳум тафаккур шакл-тамоийллари ва талабларидан воз кечиш орқали янада такомил босқичга чиқди. Шундай бўлсада, либерализмни махсус ижтимоий-сиёсий ҳодиса, тадқиқот объекти сифатида ўрганиш Лукреций ва Демокрит каби қадимги юнон мутафаккирларининг бир қатор ғояларига ворис бўлган либерализм мустақил мафкуравий оқим сифатида XVII-XVIII асрларда инглиз маърифатпарварлари Ж.Локк, Т.Гоббс, Ж.Милль, А.Смитнинг сиёсий фалсафаси асосида шаклланган эди. Шахс эркинлиги инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилиш ҳамда хусусий эгаллик қилиш билан боғлаган ҳолда, либерализм ўзининг концепциясини эркин рақобатчилик, бозор муносабатлари, тадбиркорлик идеаллари асосида тузди. Жамият тараққиётини баҳолашнинг асосий мезони бўлиб эса шахс эркинлиги бўлди. Жумладан, Жон Стюарт Милль «Эркинлик тўғрисида», «Вакиллик бошқаруви» каби асарларида эркинлик бор жойда қанча индивидлар мавжуд бўлса шунча ижтимоий тараққиёт марказлари ҳам мавжуд бўлади деб таъкидлаган эди. Халқ сайловлар орқали ҳокимиятни идора қилиш, бошқаришда бевосита иштирок этади. Парламент эса нафақат қонун чиқариш билан шуғулланиши керак, балки ҳукумат фаолиятини назорат қилиши, арзларни кўриб чиқиши, ҳокимият тўғрисидаги турли фикр-мулоҳазаларни ҳисобга олиши лозим. Милль шахс ҳуқуқларини ҳимоя қилган ҳолда, улар демократик ва ҳуқуқий тамойиллар билан ўзаро боғлиқ ҳолда ҳаётга татбиқ этилиши мумкин деб ҳисоблайди.

¹ Гулистон давлат университети тарих кафедраси доценти

² Умаров Б. Ғарб ижтимоий тафаккурида эркинлик ғояси такомилли (биринчи китоб). -Т.: «Akademiya», 2011, 64-б.



Сиёсий адабиётларда либерализм турлича талқин қилиниши билан бирга унга муносабат нуқтаи-назаридан турли жиҳатдан ёндошадилар. “Миллий истиқлол ғояси:асосий тушунчалар, тамойиллар ва атамалар”(қисқа изоҳли тажрибавий луғат)да либерализмга “жамиятнинг эволюцион ривожланиш йўлини эътироф этувчи ва асословчи назария, амалиёт, ижтимоий-сиёсий ва мафкуравий оқим деб талқин қилинади¹. Ушбу ёндошувдан маълум бўладики, либерализм жамият ижтимоий-сиёсий ҳаётини ривожланишининг маълум бир натижаси ва маҳсули сифатида шаклланган бўлсада, шахслар уларни тайёр ҳолда топадилар, айнан шу нуқтаи назардан либерализмнинг мавжудлиги ёки амал қилиши айрим ҳолда олинган шахслар, ижтимоий-сиёсий ҳодисаларга айтарли даражада боғлиқ эмас, балки улардан кўра яшовчанроқ хусусиятга эгадир. Таъриф муаллифлари либерализмнинг давр ва маконда намоён бўлиши айрим олинган ҳодисалардан кенглигини тўхри таъкидласалар-да, ундаги қатъий андозаларнинг йўқлигини назардан четда қолдирадилар. Натижада либерализм муайян қолипда ишлаб чиқилган қандайдир соф сиёсий-мафкуравий оқим сифатида талқин қилинади.

Либерализмга барча “изм”лар сингари ўткинчи ҳодиса сифатида ёндашиш у ёки бу даражада барча адабиётларда мавжуд. Бироқ айрим олимлар либерализмдаги ушбу жиҳатларни мутлоқлаштиришга мойилдирлар. Масалан, Герцен либерализмга қуйидагича таъриф беради: “Умуман либерализм, ўткинчи ҳодисадир..., эски ва янги қурилиш орасидаги жойни тозалаш эҳтиёжидир”³.

Шулардан келиб чиққан ҳолда айтиш мумкинки, либерализмнинг ҳам ўзига хос етакчи сиёсий ғоялари мавжуд бўлиб, фуқароларнинг ҳуқуқий тенглиги, давлатнинг битимли табиати, кейинги вақтларда эса сиёсатда рақобат қилувчи “ҳеч қайси бошқалар устидан ахлоқий етакчилик ва амалий устунлик қила олмайдиган профессионал, иқтисодий диний, сиёсий ассоциациялар”⁴ нинг тенг ҳуқуқлиги ҳақидаги қарашлар шаклланди. Бундай қарашлар И.Валлерстайнинг таъкидлашича, тарихда ҳам бугунги кунда ҳам социалистлар учун мафкуравий лойиҳаларда энг асосий мақсад бўлган бўлса консерваторлар учун-ўтмиш идеалларига асосланиб ўзгартиришларни тўхтатиш, “прогресс” тушунчасига ҳамда “умумижтимоий” тенденциялар ва “тарих қонуниятлари”га салбий муносабатда бўлган либерализм учун эса энг асосий ҳаёт жараёни кадрятини тушуниш, ўзгаришларни аста секин ва рационал тарзда тадбиқ этиш кераклигига ишониш эди⁵.

Ҳар бир ғоя ва мафкуранинг негизида, моҳияти ва аҳамиятида ижтимоий-сиёсий ҳаёт ҳодисаларини билиш, илмий умумлаштириш, ижтимоий – маънавий ва сиёсий тараққиётга таъсир этиш имкониятлари ётади. Янги ғоя ва мафкураларнинг юзага келиши эса инсоннинг объектив олам, маънавият ва ижтимоий-сиёсий муносабатлар борасидаги билимлари ворислик асосида давом этаётганининг ифодасидир. Шу маънода, либерализм ғояси инсонни ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга хизмат қилувчи муҳим омил ҳамдир. қолаверса, либерализм билан боғлиқ масалалар ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг энг асосий мавзулари бўлиб ҳисобланади. Либерализмни Ғарбда политология фани ўрганади. У кенг тарқалган сиёсий фанлардан биридир. Ҳозирги даврда либерализмни ўрганишга оид сиёсатшунослик, фалсафа, социология фанларида турли изланишлар олиб борилмоқда¹. Бу ижобий ҳол, албатта. Лекин шу билан бирга либерализмга муносабат масаласидаги чалкашликлар, ҳатто уларни ҳеч қандай асосиз бошқа ижтимоий-сиёсий назариялар билан айнанлаштириб юбориш ҳам юзага келмоқда.

¹ Миллий истиқлол ғояси:асосий тушунчалар, тамойиллар ва атамалар”(қисқа изоҳли тажрибавий луғат).- Тошкент.: “Янги аср авлоди”. 2002. – 67 б.

³ Герцен А. И. Сочинения. Т. 7. – М., 1958. -С. 295.

⁴ Селезнева Е. В, Маркелова Л.В. Личностно-профессиональное самосовершенствование государственных служащих. - Москва. 2003. -С.38.

⁵ Леонтьев Д.А. Гуманистическая перспектива в постсоветской психологии. - Москва. 1997. -С. 156.

¹ Гобозов И. Политическая философии. – Москва., 2000. – 67 с.



Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

1. Шадманкулова, М. М. (2018). СОЧЕТАНИЕ ЛИБЕРАЛЬНЫХ-ДЕМОКРАТИЧЕСКИХ ИДЕЙ В СОЦИАЛЬНО-ПОЛИТИЧЕСКОЙ ЖИЗНИ УЗБЕКИСТАНА. *Социосфера*, (4), 226-232.
2. Шодмонкулова, М. М. (2018). ЛИБЕРАЛИЗМ: ИСТОРИЯ И СОВРЕМЕННОСТЬ. *Наука и образование: проблемы, идеи, инновации*, (4), 26-30.
3. Шодмонкулова, М. (2025). ЛИБЕРАЛ-ДЕМОКРАТИК ҒОЯЛАРНИНГ ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ТАРАҚҚИЁТ СТРАТЕГИЯСИНИ АМАЛГА ОШИРИШДАГИ ЎРНИ. *Решение социальных проблем в управлении и экономике*, 4(4), 176-181.
4. Шодмонкулова, М. (2025). ҒАРБ ЛИБЕРАЛ-ДЕМОКРАТИК ҒОЯЛАРИНИНГ ЎЗИГА ХОСЛИГИ. *Решение социальных проблем в управлении и экономике*, 4(4), 164-169.
5. Шодмонкулова, М. (2025). ЎРТА СИНФ-МУЛҚДОРЛАР СИНИФИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ. *Решение социальных проблем в управлении и экономике*, 4(4), 152-156.
6. Шодмонкулова, М. М. (2025). ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИДА СИЁСИЙ ЛИБЕРАЛИЗМНИНГ АҲАМИЯТИ. *FORMATION OF PSYCHOLOGY AND PEDAGOGY AS INTERDISCIPLINARY SCIENCES*, 4(38), 354-357.
7. Шодмонкулова, М. (2025). ЛИБЕРАЛ-ДЕМОКРАТИК ҒОЯЛАРНИНГ ТАРАҚҚИЁТ СТРАТЕГИЯСИНИ АМАЛГА ОШИРИШДАГИ ЎРНИ. *Решение социальных проблем в управлении и экономике*, 4(4), 170-175.

